



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Муҳаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайберганов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислон Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Худойберганова Гулнора,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси,  
“Диншунослик ва жаҳон динларини  
қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО”  
кафедраси катта ўқитувчиси  
gulnora2801@mail.ru

### “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Khudayberganova Gulnora, ANALYSIS OF THE CONCEPT OF "ASCETISM" AND ATTITUDE TO ASCETIAN PRACTICES IN RELIGIONS. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.293-300

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7500971>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аскетизм тушунчасига берилган таърифлар, аскетик қарашларнинг амалий жиҳатлари бўйича ёндашувлар фарқланиши таҳлил қилинган. Дунё динларининг ҳар бири таркибида алоҳида шакланган аскетик ҳолат мавжудлиги ва бу ўзаро фарқларни ҳам юзага келтириши аниқланган. Диний-фалсафий таълимотлардан ҳиндуийлик, жайнийлик, монотеистик динлардан яҳудийликда, христианлик ва исломда аскетизм феномени ўзига хос равишда намоён бўлиши ёритилган.

**Калит сўзлар:** Аскетизм, феномен, монотеизм, ҳиндуийлик, жайнийлик, яҳудийлик, христианлик, ислом, зуҳд.

---

Худайберганова Гулнора,  
Международная исламская академия Узбекистана,  
старший преподаватель кафедры  
«Религиоведение и сравнительное  
изучение мировых религий ЮНЕСКО»,  
gulnora2801@mail.ru

### АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ «АСКЕТИЗМ» И ОТНОШЕНИЯ К АСКЕТИЧЕСКИМ ПРАКТИКАМ В РЕЛИГИЯХ

#### АННОТАЦИЯ

в данной статье анализируются определения, данные понятию аскетизма, различия в подходах к практическим аспектам аскетических воззрений. Установлено, что каждая из мировых религий имеет специально сформированное аскетическое состояние, и это также создает взаимные различия. Феномен аскетизма по-своему раскрывается из религиозно-философских учений индуизма, джайнизма, монотеистических религий, иудаизма, христианства и ислама.



**Ключевые слова:** Аскетизм, феномен, монотеизм, индуизм, джайнизм, иудаизм, христианство, ислам, зухд.

**Khudayberganova Gulnora,**  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
senior lecturer of the department  
"Religious and Comparative  
study of world religions by UNESCO",  
gulnora2801@mail.ru

## ANALYSIS OF THE CONCEPT OF "ASCETISM" AND ATTITUDE TO ASCETIAN PRACTICES IN RELIGIONS

### ABSTRACT

This article analyzes the definitions given to the concept of asceticism, the differences in approaches to the practical aspects of ascetic views. It has been established that each of the world's religions has a specially formed ascetic state, and this also creates mutual differences. The phenomenon of asceticism is revealed in its own way from the religious and philosophical teachings of Hinduism, Jainism, monotheistic religions, Judaism, Christianity and Islam.

**Index Terms:** Asceticism, phenomenon, monotheism, Hinduism, Jainism, Judaism, Christianity, Islam, zuhd.

### 1. Долзарблиги:

Аскетизм тушунчасига турли ёндашувлар асосида таърифлар берилган. Умумий маънода аскетизмни тана ва руҳни поклаш ҳамда маълум маънавий-ахлоқий идеалга эришиш учун онгли ва мақсадли тийилиш, дейиш мумкин. Мазкур атама бир қанча соҳалар (илмий, фалсафий, диний, ижтимоий)га ҳам тааллуқли бўлиб, антик даврда аскетизм сўзи учта асосий - жисмоний (тана машқи), ахлоқий (ақл ва ирода машқи) ва диний (қалбни мукаммаллаштириш, ёмон майл ва эҳтирослардан тийилиш) маъноларида ифодаланган. Бундан ташқари, аскетизм маълум ижтимоий мақсадлар учун ахлоқий меъёр саналган.

Тадқиқотчилар аскетизмни маънавий ва моддий турларга ажратадилар. Маънавий аскетизм турли ҳиссий лаззатлардан тийилиш бўлса, моддий аскетизм ўз навбатида замонавий цивилизациянинг муайян афзалликларидан воз кечишни назарда тутди.

Аскетик ҳолатни ўрганиш мавзусига антик давр файласуфларининг деярли барчаси мурожаат қилган. Ушбу даврдаёқ аскетизм атамаси уч хил маънода қўлланилган: жисмоний, маънавий ва диний. Ўрта асрларда ҳам аскетизм ва аскетик амалиётларни Шарқ ва Ғарб олим ва тадқиқотчилари томонидан таҳлил қилингани бизгача етиб келган асар ва манбалардан маълум. Хусусан бу даврда мазкур мавзу нафақат файласуфларни, балки илоҳиётшунос, жамиятшунос ва тарихчиларни ҳам жалб этган.

Замонавий тадқиқотларда аскетизмни изоҳлашнинг энг кенг тарқалган ёндашуви америкалик диншунос, илоҳиётшунос ва тарихчи Р.Валантасис томонидан таклиф қилинган фаолият ёндашуви хисобланади: аскетизм – “мавжуд ижтимоий муҳит доирасида янги субъективликни, бошқа ижтимоий муносабатларни ва муқобил рамзий коинотни очишга қаратилган фаолиятдир”.

“The Encyclopedia of Religion”да: “Аскетизмни замонавий сўз сифатида аниқ таърифлашнинг иложи бўлмасада, диний нуктаи назардан уни илоҳий йўлга кириш ёки юқори маънавий даражага чиқиш мақсадида ҳиссий ва дунёвий ҳузур-ҳаловатдан ўзини чеклаш ва комилликка етишиш учун бўлган кўнгилли ва тизимли фаолиятдир”, деб таърифланади.

Дунёда мавжуд барча динлар ва тизимларнинг муштарак хусусиятларидан бири – уларда баъзи аскетик жиҳатларнинг мавжудлигидир. Аммо бу ҳолат барча аскетик жараёнларнинг айнан бир хил бўлишини тақозо этмайди. Ҳар бир дин таркибида алоҳида шакланган аскетик ҳолат ўзаро фарқларни ҳам юзага келтиради.

### 2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Антик давр файласуфларининг ҳам ушбу мавзуга мурожаатини ўша даврдаёқ аскетизм атамасини уч хил маънода қўлланилгани: жисмоний (жисмоний машқлар), маънавий (ақл ва ирода машқлари) ва диний (қалбни ёмон майл ва эҳтирослардан халос этиш) таҳлил қилинган. Дунё динларининг ҳар бири таркибида алоҳида шаклланган аскетик ҳолат мавжудлиги ва бу ўзаро фарқларни ҳам юзага келтириши аниқланган. Жумладан, Африка динларида аскетизмнинг умумий кўринишлари кузатилмасда, баъзи қабилалар эътиқодича оқсоқол (шаман) жамоадан алоҳида (чалғимаслик учун) ёлғиз ўзи узоқ вақт тинимсиз тарзда худоларга атаб мадҳлар ўқиши (бу вақтда у кичик дўмбирани ритмик тарзда уриб туриши лозим) ва охир-оқибат худолар билан мулоқотга кириша олиши мумкинлиги, илоҳлар билан мулоқотни сақлаб қолиш учун у маълум шартларга риоя этиши, таъқиқланган (табу) озиқ-овқатлардан тийилиши талаб этилиши кўриб чиқилган.

Диний-фалсафий таълимотлардан ҳисобланган ҳиндуйликда аскетизмга жуда юқори баҳо берилгани, у орқали ғайритабиий кучни ўзлаштирилишига ишонилиги, қолаверса, аскетизм қайта туғилиш занжиридан халос бўлишнинг ягона воситаси, деб қаралиши тушунтирилган. Диний-фалсафий таълимотлар доирасида буддавийликдаги аскетик амалиётни тадқиқ этган машҳур олим Говинда Лама Анагарика (Эрнест Лотар Гоффманн, 1898-1985 йй.) фикрича, комилликка етишишда учта даража мавжудлиги: биринчи даражада фақат жисмоний азоб, иккинчисида ментал ҳолат, яъни инсонни ҳаётдан кўнгли совиши ва учинчи даражада азобланиш кенг қамровли бўлиб, ўраб турган борлиқнинг ажралмас қисмига айланиши аниқланган.

Монотеистик динлардан яҳудийликда, христианлик ва исломда аскетизм феномени ўзига хос равишда намоён бўлиши таҳлил қилинган. Яҳудийликнинг илк даврларида аскетизм муҳим жиҳат ҳисобланмаган бўлсада, кейинчалик Рим империяси ҳукмронлиги даврида сезиларли диний мазмун касб этгани, хусусан яҳудийликнинг назорей, қумрон, ессеялар ва хавур (фарзийларга мансуб жамоа) йўналишларида аскетизм ўзига хос тарзда намоён бўлиши кўриб чиқилган. Христианликда эса аскетизмга инсоннинг иродасини бошқарувчи тушунча сифатида қаралиши, яъни, инсоннинг руҳияти ва Худонинг амрларни бажариш йўлидаги ҳаракати, яъни илоҳий ва инсоний синергизм (ҳамкорлик, мувофиқлаштириш)да христиан аскетизмининг асосий тамойили ётиши аниқланган. Исломда аскетизм тушунчасини “зуҳд” атамаси билан изоҳланиши, зоҳидлик дунё нарсаларига боғланиб, унга берилиб қолмаслик кўриб чиқилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

“Аскетизм” сўзи юнон тилида “машқ қилмоқ” маъносини ифодалайди. Аскетизмга кўра ҳақиқатга аскетик йўл (ҳаёт тарзи) орқали етишилади. Фалсафий ва диний характерга эга бўлган аскетизмнинг фалсафий қисмида аскетик амалиётлар орқали эришилган натижалар изоҳланади, диний аскетизмдаги ҳолат эса таҳлил қилинмайди. Аскетизмнинг ғояси – ҳақиқатни топиш, Яратганга эришмоқ ва маънан қониқишдир. Бу ғояга эришмоқ учун ҳар бир жамият турли тамойилларни ўртага ташлайди. Вақт ўтган сари бу тамойиллар асосида турли мактаблар шаклланган.

Антик даврда мавжуд бўлган таълимотларда аскетизм элементлари ибтидоий диний тасаввурлар билан боғлиқ бўлганлиги боис бу динларда аскетизм юзаки кўринишда эди. Мисол учун Африка динларида аскетизмнинг умумий кўринишлари кузатилмайди. Бироқ инсон икки табиат: жисмоний ва руҳий мавжудликка эга бўлган олий мавжудот ҳисобланади. Инсон ўзининг ёвуз ва нопок табиати туфайли руҳий қуввати устидан назоратни йўқотади, шунинг учун энди у Олий илоҳга (Худо) яқинлашишда ёрдамчи илоҳларга эҳтиёж сезади ва бунга эриши учун ўзидаги ёвузликларни ўз танасига зиён етказиш (ўз-ўзини уриш, баданининг маълум жойларини тешиш, кесиш, суяқларини синдириш, соч олдириш ва ҳ.к.) каби турли йўллари орқали енгил мумкин деб ҳисоблайди. [2:111] Шунингдек, баъзи қабилаларда эътиқодича оқсоқол (шаман) жамоадан алоҳида (чалғимаслик учун) ёлғиз ўзи узоқ вақт тинимсиз тарзда худоларга атаб мадҳлар ўқиши (бу вақтда у кичик дўмбирани ритмик тарзда



уриб туриши лозим) ва охир-оқибат худолар билан мулоқотга кириша олиши мумкин. Илоҳлар билан мулоқотни сақлаб қолиш учун у маълум шартларга риоя этиши, таъқиқланган (табу) озик-овқатлардан тийилиши талаб этилади.[2:111] Баъзи қабилаларда шунга қўшимча маълум кунларда илоҳлар билан мулоқотдан бошқа ишлар билан шуғулланиш таъқиқланади. Шунингдек, Жанубий Нигериянинг ибибио қабиласида жамоага қабул қилиш “Эконг” маросимида қабиланинг барча аъзолари кундалик юмушларини бажармасликлари (бунда маълум вақтга етадиган озик-овқат, ўтин қабиларни олдиндан ғамлаб олган бўлишлари лозим), фақатгина илоҳларни мадҳ этиш, улар билан мулоқот қилиш учун ибодат билан машғул бўлишлари талаб этилади.[3:63]

Аскетизм кўплаб диний таълимотларда мавжуд бўлсада, таснифига кўра монотеистик, политеистик динлар ҳамда диний-фалсафий таълимотларда ўзига хос феномен (ҳодиса) сифатида намоён бўлади. Рухий амалиёт сифатида аскетизм деярли барча динларда мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири бу ҳолатга (ҳодисага) ўзига хос маъно ва аҳамият беради.

Диний-фалсафий таълимотлардан ҳисобланган ҳиндуийликда аскетизм орқали ғайритабиий кучни ўзлаштирилиши ҳамда қайта туғилиш занжиридан халос бўлишнинг ягона воситаси деб қаралади. Ҳиндуийликда аскетик кайфият кенг тарқалиши натижасида браҳман оилалари жамиятдан ажралган ҳолда аскетик турмуш тарзини танлаганлари кузатилган. Ҳиндуийликнинг фундаментал метафизик тушунчаларига кўра, инсон ҳаётининг тўртта мақсади мавжуд бўлиб, шулардан иккитаси аскетик асосга эга (ванапрастҳа ва санньяси).

Жайнийликда эса аскетизм “тапас” атамаси билан изоҳланади, яъни тапас - ёниш маъносини англатади. Жайнийликка кўра, аскетизмга инсонларни гуноҳларини ёқиб юборувчи олов сифатида қаралади. Умуман олганда, жайнийликда аскетизм (тапас) карма кучини кесувчи кучли амалиёт ҳисобланади. Аскетик амалиётларга жиддий эътибор берилади. Унинг энг экстремал шаклларида бири ихтиёрий очлик натижасида ўлиш ҳисобланади. Баъзи зоҳидлар сукут сақлашга қасамёд қиладилар ва бир неча йиллар, ҳаттоки умрнинг охиригача сукут сақлашлари мумкин. Шунингдек, доимий совуқ ёки қуёшда қолиш, узоқ муддат тик оёқда туриш ва ҳ.к. ҳолатлар кузатилади. Жайнийликнинг дигамбарлар йўналишида аскетик амалиётлар айниқса чуқурлаштирилган кўринишга эга.

Жайнийликда роҳиблар учун аскетик амалиётлар кундалик ва махсус маросимларга бўлинади. Тонгги соат тўртда роҳибларнинг ибодат маросимлари амалга оширилади. Бунда махсус дуолар, покловчи амалиётлар ҳамда медитация амалга оширилади. Одатда кундузги соат ўнда роҳиблар садақа йиғиш учун монастирни тарк этишлари ҳамда садақа йиғиб бўлгач қайтишлари лозим. Айнан аскетик амалиётларнинг қатъий талаблари сабабли жайнийлик кенг тарқалмаганлигини айтиш мумкин.

Диний-фалсафий таълимотлар доирасида буддавийликдаги аскетик амалиётни тадқиқ этган машҳур олим Говинда Лама Анагарика (Эрнест Лотар Гоффманн, 1898-1985 йй.) фикрича, комилликка етишишда учта даража мавжуд. Биринчи даражада фақат жисмоний азоб, иккинчисида ментал ҳолат, яъни инсонни ҳаётдан кўнгли совиши ва учинчи даражада азобланиш кенг қамровли бўлиб, ўраб турган борлиқнинг ажралмас қисмига айланиш. [1:49]

Буддавийлик замирида учликка - Будда, Дхарма ва Сангҳага эътиқод ётади. Будда (Сиддхартҳа Гаутама) олий ҳақиқатга етишишнинг ёрқин тимсоли. Дхарма – Гаутама қолдирган таълимот. Сангҳа – Будда асос солган ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган қоҳинлар жамоаси. Тор маънода бу – ўтган асрларда "олий ҳақиқат"га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангҳа жамоасига қабул қилинган шахс қуйидаги 10 шартни адо этишга қасамёд қилади: 1) ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; 2) ёлғон сўзламаслик; 3) ўғрилиқ қилмаслик; 4) жинсий алоқага кирмаслик; 5) маст қилувчи ичимлик ичмаслик; 6) куннинг иккинчи ярмидан то эртанги саҳаргача овқат тановул қилмаслик; 7) уч кийимдан ортиқ ҳеч нарса билан танани безамаслик; 8) оммавий кўнгилхушликларда иштирок етмаслик ва томошабин сифатида қатнашмаслик; 9) баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; 10) пул ишлатмаслик.

Буддавийлик роҳиблари дунёвий даъволардан, мулкдан воз кечишлари ва юкоридаги қоидаларга қўшимча равишда бешта амрга риоя қилишлари керак: дунёвий ўйин-кулгулардан (рақс, қўшиқ ва мусиқа) воз кечиш; (роҳибнинг мулки хайрия халтаси, кийим-кечак учун учта мато, камар, игна ва сув учун махсус идишдан иборат бўлиши керак); қулай ва ҳашаматли ётоқларда ухламаслик; фақатгина садақа (хайр-эҳсон)дан тановул қилиш. Бундан ташқари роҳиб яна 253 та ахлоқ қоидасига риоя қилиши керак.

Буддавийликдаги мазкур ахлоқий ва аскетик қоидаларнинг барчаси битта мақсадга қаратилган, дастлаб руҳиятнинг мувозанат ҳолатини ривожлантириш, унинг устидан тўлиқ онгли ва ихтиёрий равишда назорат қилиш, сўнгра маърифат, сўнг эса нирванага эришиш.

Монотеистик динлардан яҳудийликда, христианлик ва исломда аскетизм феномени ўзига хос равишда намоён бўлади.

Яҳудийликда аскетик амалиётларнинг дастлабки кўринишлари маъбад-скиния (юн. скене-чодир, ибр. мишкан-гувоҳлик чодир) – яҳудийликдаги дастлабки кўчма ибодатхона) да хизмат қилиш учун оила қурмаслик қасамини қабул қилиш сифатида келтирилади. Тадқиқотчилар фикрига кўра яҳудийликнинг илк даврларида аскетизм муҳим жиҳат ҳисобланмаган бўлсада, кейинчалик Рим империяси ҳукмронлиги даврида сезиларли диний мазмун касб этди. Хусусан яҳудийликнинг назорей, қумрон, ессейлар ва хавур (фарзийларга мансуб жамоа) йўналишларида аскетизм ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қумрон жамоасида ибодат маросимлари ҳамда жамоавий маросимларда тозалikka алоҳида эътибор берилган. Қумрон жамоаси ўзини бошқа яҳудийлардан устун эканлигини даъво қилганлар. Жамоанинг бошқарувчиси, руҳонийси каби лавозимлари бўлган. Мазкур жамоа жами 10 нафар эркақдан ташкил топган (аёллар ҳам бўлган). Жамоанинг бошқарувчилари учун қатъий чекловлар мавжуд бўлган. Аскетик амалиётлар орасида рўза тутиш, турли хил озиқ-овқат чекловлари ва таъқиқлари, маълум ҳаракатлардан воз кечиш, асосан Худо билан мулоқотга тайёргарлик кўриш қабилар мавжуд эди.

Эссейлар жамоасида аскетик талаблар анча қатъий бўлиб, жамоа аъзолари асосан якка ҳолда яшаб, ибодат қилганлар. Фақатгина ҳафтанинг бир куни, шанба куни жамоа аъзолари барчаси тўпланиб, ибодат маросимини амалга оширганлар. Бу жамоада оила қуришга чекловлар мавжуд бўлган, шунингдек, ихтиёрий рўза ва ибодатларга хос талаблар амал қилинган.

Умуман яҳудийликда аскетик амалиётларга эътибор милодий 70 йилларда нисбатан сезиларли равишда ортган. Тадқиқотчилар бу жараёни иккинчи маъбад (скиния) вайрон қилиниши билан боғлиқ деб шарҳлайдилар. Айнан шу даврда яҳудийликда ихтиёрий рўза тутиш (Пейсахдан ташқари) амалиёти кенг ёйилган.

Христианликда “Библия”нинг “Эски Аҳд” (ибр. Китве кодеш, Танах) қисмидаги “...яхшилиқ ва ёмонликни билиш дарахтининг мевасидан емайсан...” (Ибтидо 3:17) ояти аскетизмнинг асоси сифатида қаралади.

Христианликда аскетизмга инсоннинг иродасини бошқарувчи тушунча сифатида қаралади. Инсоннинг руҳияти ва Худонинг амрларни бажариш йўлидаги ҳаракати, яъни илоҳий ва инсоний синергизм (ҳамкорлик, мувофиқлаштириш)да христиан аскетизмининг асосий тамойили ётади.

Христианлик таълимотига кўра, инсоннинг хоҳиш ва иродасининг ўзи комилликка олиб келмайди. Бунда инсоннинг тана ва руҳий ғайрати ўзаро боғлиқ бўлишини таъкидлаган ҳолда, фақат илоҳий иноят инсон табиатини қутқариши, ўзгартириши, шифолаши ва янгилаши мумкин, деб ҳисобланади.

Христианликда ҳаётнинг асосий мақсади Худони ва ўзгаларни севишдир: “Исо унга деди: “эгангиз Худони бутун қалбингиз билан, бутун жонингиз билан ва бутун онгингиз билан севинг, бу биринчи ва энг буюк амр, иккинчиси унга ўхшайди: ўзгани ўзинг каби сев” (Матто 22: 37-40).

Аскетизм моҳияти христианликда умумийлик касб этсада, амалий жиҳатдан йўналишларда ўзига хос фарқлар кузатилади. Христианликнинг православлик йўналишида аскетизмни уч босқичли амалиёт сифатида қаралади. Бу қараш машҳур юнон

илоҳиётшуносларидан бири, митрополит Иерофей (Влахес) томонидан илгари сурилган. Унга кўра бу уч босқич куйидагилардан иборат: 1-покланиш; 2-маърифат; 3-илоҳийлик (илоҳийлаштириш).

дастлабки босқич - тавба (покаяние) маъносини ифодаловчи “каяться” феъли умумславянларда айбни тан олиш, ўзини жазолаш, қилган ишидан пушаймон бўлиш каби бир неча мазмунларга эга. Юнон тилида бу сўз фикрлар алмашинуви, пушаймонлик, қайта туғилиш, буткул янгиланиш маъноларини ифодалайди. Шунингдек, православлик аскетизмида эҳтирос (страсть) тушунчаси муҳим ҳисобланади. Митрополит Иерофейга кўра эҳтирос- гуноҳқорликнинг сўнги босқичи, яъни гуноҳ маълум босқичларда амалга оширилади, онг орқали, хоҳиш, амалга ошириш ва эҳтирос. Эҳтирос – бу такрорланиб турувчи жараён деб қаралади. Православликда эҳтирос ташқи куч эмас, балки шахснинг ўзидан, яъни қалбидан келиб чиққан, зарарланган, шу билан бирга янгиланишга муҳтож куч ҳисобланади. Психологияда бу ўзгариш трансмодуляция деб аталади. Христианлик аскетикасида эҳтироснинг бир нечта асосий турлари фарқланади: очкўзлик, зино, хасислик, ғазаб, қайғу, тушкунлик, манманлик, кибр ва ҳ.к. Эҳтироснинг бу турлари барчасини қарши амалиёт билан янгилаш мумкин, яъни очкўзликни тийилиш, зинони ифбат, хасисликни саҳийлик, ғазабни мулойимлик, тушкунликни умид, манманликни камтарлик каби.

Православлик аскетизмининг иккинчи босқичи – маърифат ҳисобланиб, у исихия (юн. исихия - сокинлик, хотиржамлик, ёлғизлик – христиан мистик дунёқараши, православ аскетизмининг асосини ташкил этадиган қадимги руҳий амалиёт)дан бошланади. Бу босқичга эҳтирослардан ҳалос бўлган (тўлик бўлмасда, ҳис қилган)лар ўтади. Чунки исихия – сукунат, ақл ва қалб хотиржамлиги маъноларини ифодалайди. Бу босқичда инсон икки фаолиятни амалга оширади: ақлнинг қалбга бўйсунуви ва тинимсиз ибодат. Маърифат босқичи якунида инсон покланиб, бесстрастие – бэфарқлик ҳолатига эришади.

Учинчи босқич – илоҳийлик ҳисобланиб, бу босқич Шарқий черков ҳаётида марказий таълимот саналади ҳамда православликнинг диний идеали сифатида қаралади.

Католик йўналишида аскетизмга муносабатни православликдаги каби аскетизмни уч босқичдан иборат амалиёт сифатида қараш мавжуд. “Катехизис Католической Церкви”[4:471] да аскетизм ва аскетик амалиётни диндор ҳаёт йўлининг ажралмас қисми эканлиги таъкидланган: “Нажот йўлига Хочга эргашиш орқали борилади. Руҳий кураш ва курбонликсиз муқаддасликка эришилмайди. Маънавий юксалиш аскезани (тийилиш) ҳамда дунё ҳаётига ва эҳтиросларга жалб этадиган танани ўлдиришни талаб қилади. Протестантликда аскетизмни инсонга нажот йўлини топиш воситаси сифатида тан олинмайди, лекин бу билан протестантизм аскетизмни рад этади, деб бўлмайди. Протестантликда аскетизмга ўзига хос ёндашув мавжуд, аскетизм - адептлар ҳаётини (эҳтирос, ортиқча ҳою ҳаваслардан) тартибга солувчи усуллардан ҳисобланади.

Исломда аскетизм тушунчасини “зухд” (араб. бирор нарсани тарк қилиш, юз ўгириш) атамаси билан изоҳлаш мумкин, зуҳдни даъво қилувчилар эса “зоҳидлар” дейилади ҳамда зоҳидликка қалб, нафс тарбияси орқали эришилади, деб ҳисобланади.

“Зухд” сўзининг луғавий маъноси турли қомусий луғатларда турлича талқин этилади. Жумладан, “Лисонул-араб” қомусий луғатида берилган таърифга кўра: “Зухд - фақат дунё ишларида бўлиб, у хоҳиш ва дунёга ҳирсининг зиддидир”, дейилади. [5:207]

Ал-Мунжид қомусида эса: “Зухд – бирор нарсани ёмон кўриш ва тарк этишдир. Дунёда зоҳидлик дегани, дунёдан ибодат учун воз кечди, деганидир”, дея таъриф берилади. [6:307-308]

Истилоҳий маънода “Ал-мавуа ас-суфия”га кўра, “зухд – қўл топинган нарсадан қалбни мосиво қилишдир”. [7:1009] Шунингдек, зуҳд – исломнинг асосий маънавий тушунчаларидан бири бўлиб, луғатда безътиборлик, моддий манфаатга бэфарқ бўлиш, умумий маънода эса Худонинг марҳаматига мушарраф бўлиш, жаннатга эришиш учун таркидунё қилиш, дунёвий лаззатлардан воз кечиш маъноларини билдиради. [8:80]

Исломда руҳий тарбиясини олий мақом қилмоқчи бўлган, охиратда даражаси улуғ бўлишини истаган мусулмон учун лозим бўлган мақомлардан бири зуҳддир. Қуръони

каримнинг Шуро сураси 20-оятига кўра: “Ким (ўз амали билан) охират экинени (яъни савобини) истар экан, Биз унга экинени(нг ҳосилини) мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинени истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!” [9:630]

Шунингдек, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)ни ҳам зоҳидликда етакчи бўлганликлари ҳадислар орқали келтирилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига бир киши келиб: “Эй Аллоҳнинг расули! Мени бир амалга далолат қилинг. Қачон уни қилсам, менга Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам муҳаббат қилсин”, деди. Шунда Расулуллоҳ: “**Дунёдан зуҳд қил, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар қўлидаги нарсадан зуҳд қил, улар сени яхши кўришади**”, дедилар” (Ибн Можа ривояти).

Ислом уламоларига кўра зуҳднинг даражаси учта:

1. Авомнинг даражаси;
2. Хосларнинг даражаси;
3. Хосларнинг хоси даражаси.

Уламолар томонидан зуҳдга берган таърифлар турличалиги ушбу даражалар билан боғлиқ. Зуҳд нафс тарбиясидаги улуғ мақомлардан бири. Мақом “туриш” дегани. Маълум муддат зуҳд қилиб, кейин ташлаб қўйиш зоҳидлик ҳисобланмайди. Яъни, мақом соҳиби ўша мақомда доим собит туриши, ўзининг табиатига айланиши керак. Шундагина мақом бўлади.

Исломга кўра аскетизм (зоҳидлик) умумий маънода дунё нарсаларига боғланиб, уни яхши кўриб қолмаслик. Келганида қувонмай, кетганида маҳзун бўлмасликдир. Кўплаб саҳобийлар ва салафи солиҳлар бой бўлганлар, ҳамма қатори яшаганлар. Аммо ҳаётда зоҳид бўлишган. Уларнинг зоҳидлиги ўша нарсаларни ҳақир санашларида бўлган. Мол-дунёни тарк қилиш, мансабдан қочишлари дунё муҳаббати қалбга ўрнашиб олмаслиги учун восита бўлган.

#### 4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- барча динларда аскетизм (амалиёт, ходиса, ҳолат сифатида) мавжудлиги ҳамда турли динларда ўзига хос хусусиятларга эга;
- диний таснифга мансублиги нуктаи назаридан аскетик амалиётлар умумийлик жиҳатларига эга;
- монотеистик динларда инсоннинг Яратувчини таниши ва Унга яқинлашиш масаласи асосий ўрин тутса, политеистик, генотеистик динлар ва диний-фалсафий таълимотларда асосан инсоннинг рухий камолоти етакчи ўринда туради. Шу билан бирга уларнинг барчасида маълум фарқлар ҳам кузатилади, ушбу фарқлар мазкур динларнинг муқаддас китоблари, таълимот асосчилари кўрсатмалари ҳамда аскет (зоҳид)лар фаолияти асосида шаклланган.

#### Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Говинда Лама Анагарика. Психология раннего буддизма. Санкт-Петербург. Изд-во Андреев и сыновья. 1993. С. – 49.
2. Olumati, R. (2013). Taboos in West African traditional religion. In F. Tasié & R. – P. 111.
3. Deezia, B. S. (2016). Ekong initiation rites into adulthood among the Ibiono/Ibibio people of Akwa Ibom State. ICHEKE Journal of the Faculty of Humanities. 14(1) Ignatius Ajuru University of Education, Port Harcourt. – P. 63.
4. Катехизис Католической Церкви. – М. Духовная библиотека, 2002. – С. 471.
5. Лисонул араб. – Байрут.: Дарус содир, 1997. – Б.207.
6. Ал-Мунжид фи луғати ва аълам.– Байрут.: Дарул машрик, 1986. – Б. 307-308.
7. Ал-мавуа ас-суфия. –Қоҳира: Мактаба мадбули, 2006. – Б. 1009.
8. Петросян А.Р. Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. – С. 80.
9. Шайх Абдулазиз Мансур. Куръони карим маъноларининг таржимаси. Т.: 2001. – Б. 630

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000